

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

РАХМАНОВА НОДИРА ХОДЖАЯЗОВНА

**АЁЛЛАРДА КОНТРАЦЕПЦИЯ УСУЛЛАРИНИ ИНДИВИДУАЛ
ТАНЛАШГА ЁНДАШИШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Рахманова Нодира Ходжаязовна

Аёлларда контрацепция усулларини индивидуал
танлашга ёндашишни оптималлаштириш 3

Рахманова Нодира Ходжаязовна

Оптимизация подходов к индивидуальному подбору
методов контрацепции у женщин 21

Rakhmanova Nodira Khodjayazovna

Optimization of approaches to an individual choice
of contraception methods in women 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

РАХМАНОВА НОДИРА ХОДЖАЯЗОВНА

**АЁЛЛАРДА КОНТРАЦЕПЦИЯ УСУЛЛАРИНИ ИНДИВИДУАЛ
ТАНЛАШГА ЁНДАШИШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Tib388 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институти ва Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зуфарова Шахноза Алимджановна,
тиббиёт фанлари доктори

Ниязметов Рахматулло Эрматович,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Республика ихтисослаштирилган акушерлик
ва гинекология илмий-амалий маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14; e-mail: tashpmi@mail.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ кунни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В.Алимов,
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

К.Н.Хаитов,
илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

Д.И.Ахмедова,
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунё бўйича оилани режалаштириш фақат кутилган фарзандлар туғилиши учун репродуктив фаолият назоратини таъминлашдир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотига кўра «...2015 йил ҳолатига, бутун дунё бўйлаб ҳар куни тахминан 830 нафар аёл ҳомиладорлик ёки туғруқ асоратлари туфайли вафот этади»¹. Интергенетик интервалга риоя қилмаслик нафақат аёл саломатлиги ёмонлашишига, балки туғилган ва туғилажак фарзандлар соғлиғига ҳам ўз ножўя таъсирини кўрсатади. «Туғруқлар орасидаги қисқа интерваллар она ва чақалоқ соғлиғига салбий таъсир қилиб, эрта туғруқлар учраши, кам вазнли болалар туғилиши, эрта неонатал ва чақалоқлар ўлими, шу билан бирга оналар ўлими даражасини оширади...»². Бунинг оқибатида бемор аёллар ҳаёт сифати пасайиб бормоқда. Шу сабабли контрацепция усулини индивидуал танлашга ёндашишни оптималлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонда аёллар орасида 18 ёшдан кичик ва 35 ёшдан катта аёлларни ҳомиладорликдан сақлаш, туғруқлар оралиғидаги интервалнинг камида 3 йилдан бўлишига риоя қилиш, оналар организмнинг туғруқ стрессидан тўлиқ қайта тикланишига эришиш, контрацепция воситаларини индивидуал танлашга янгича ёндашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Турли контрацепция воситаларининг жигарга, қалқонсимон безга ножўя таъсирини аниқлаш, ушбу таъсирлар учраш даражасини аниқлаш, контрацепция воситаларининг қўлланилишидаги ўзига хосликни аниқлаш илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Турли репродуктив ёшдаги аёллар учун контрацепция воситаларининг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳоловчи клиник-лаборатор мезонларни яратиш, аёлларнинг турли контрацепция воситаларидан мамнунлиги ва ҳаёт сифатини баҳолаш кўрсаткичларини яратиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими тубдан янгиланишларга юз тутди. Бугунги кунда тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири касалликларни эрта ташхислаш ва уларнинг асоратларини камайтиришга катта эътибор қаратиш бўлиб, бу жабҳада кенг қўламли режавий тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш учун «оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва

¹ World health statistics 2017: monitoring health for the SDGs, Sustainable Development Goals.

² Lopez L.M., Bernholc A., Hubacher D., Stuart G., Van Vliet H.A. Immediate postpartum insertion of intrauterine device for contraception // Cochrane Database Syst Rev. – 2015. – №6. – pp.30–36.

болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш»³дек муҳим вазифалар қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 ноябрдаги «2016–2020 йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2650-сонли, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сонли Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Исталмаган ҳомиладорликдан сақланиш учун қўлланиладиган турли усуллар орасида бачадон ичи воситаси (БИВ) талабларга жавоб берадиган усуллардан биридир (Прилепская В.Н., 2009). БИВни қўлловчи аёлларнинг 11–24% ида гиперполименорея, менометрорагия кузатилиши аниқланган (Хамдамова М.Т., 2015; Abu Hashum Н., 2013). Исталмаган ҳомиладорлик олдини олишнинг яна бир кенг тарқалган усули гормонал контрацепциядир. ЖССТ маълумотида кўра 100 миллиондан ортиқ фертил ёшдаги аёллар гормонал контрацепция воситаларидан фойдаланади (ЖССТ, 2015). Комбинирланган орал контрацептивлар (КОК) афзалликлар билан бирга кўнгил айниши, бош оғриши, тўқималарда суюқлик йиғилиши каби ножўя таъсирларга ҳам эга бўлиб, бу унинг таркибидаги эстроген компоненти билан боғлиқ (ЖССТ, 2015). Шу билан бирга синтетик эстрогенларнинг гипофизда тиреотроп гормон (ТТГ) синтези ошиши, қалқонсимон без таъсирланиши ҳамда қўшимча миқдорда эркин тироксин (Т4) синтези ошишига таъсир кўрсатиши аниқланган.

Узоқ таъсир қилувчи прогестеронлар сифатида инъекцион восита Депо-медроксипрогестерон ацетат (ДМПА) ва норэтиндрон-энанат (НЭТ-ЭПТ) қўлланилади (Хабаши Э.С., 2014). Бу усул катта репродуктив ёшдаги, эндометриоз ва нейроэндокрин бузилишлари мавжуд аёлларга тавсия қилинади. Инъекцион контрацептивлар (ИК)нинг таъсир механизми гипофизар гонодотропинлар секрециясини босиш орқали фолликулалар етилиши ва назоратли, узоқ ановуляцияни таъминлашдан иборат (ЖССТ, 2015). ИКнинг вазомотор синдромларни камайтириш, кичик чанок аъзолари яллиғланиши жараёнлари, темир танқислиги камқонлиги ва эндометриозни камайтириш каби ижобий томонлари мавжуд. ИК ва соф прогестинли таблеткалар (СПК)ни қабул қилиш бачадон раки, эндометриоз, бачадон

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сонли Фармони.

фиброз ўсмалари каби касалликларнинг олдини олади (Аюпова Ф.М. ва ҳаммуал., 2015; Каттаходжаева М.Х. ва ҳаммуал., 2018).

ЖССТ экспертлари 2015 йилда аёлларда кузатиладиган патологик ҳолатларда контрацептив воситаларни қўллашнинг мақбуллик мезонларини ишлаб чиққанлар ва тавсия этганлар (Richard A., Eliana A., 2015). Аммо, қалқонсимон без касалликлари бор аёллар учун мезонлар тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Шу жиҳатдан қалқонсимон без касалликлари мавжуд аёллар учун турли контрацепция воситаларини индивидуал танлашни оптималлаштириш, уларнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳоловчи мезонларни ишлаб чиқиш, аёлларнинг контрацепциядан мамнунлигини баҳолаш кўрсаткичларини яратиш долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институти (011400200 рақамли) илмий тадқиқотлар режасининг «Кичик чанок аъзолари касалликлари бўлган беморларни юритишнинг янгича ёндашувларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қалқонсимон без касалликлари мавжуд репродуктив ёшдаги аёллар орасида контрацепция воситаларини қўллаш самарадорлиги ва хавфсизлигини ошириш, уларни индивидуал танлашга ёндашишни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қалқонсимон без касалликлари кузатилган ва соғлом репродуктив ёшдаги аёллар орасида контрацепция воситалари самарадорлигини аниқлаш (Хоразм вилояти мисолида);

модификацияланган Ханин-Спилберг саволномаси ёрдамида турли контрацепция воситаларидан (БИБ, КОК, СПК, ИК) фойдаланаётган аёлларнинг хавотирлик кўрсаткичи ва уларнинг қўлланилаётган контрацепция воситаларидан мамнунлик даражасини аниқлаш;

қалқонсимон без касалликлари кузатилган ва соғлом аёлларда контрацепция воситалари тури ва уларни қўллаш давомийлигига боғлиқ ҳолда уларнинг таъсир хусусиятларини аниқлаш;

турли контрацепция воситаларининг қин микрофлорасига таъсирини динамикада солиштирма ўрганиш ва ташхисий қийматини баҳолаш;

қалқонсимон без касалликлари кузатилган аёлларда турли контрацепция воситаларини индивидуал танлашга ёндашишни оптималлаштириш алгоритми, асоратларнинг олдини олиш ва мақбуллик мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хоразм вилояти Урганч шаҳар марказий поликлиникасига 2017–2018 йиллар давомида мурожаат қилган, турли контрацепция воситаларидан фойдаланган 562 нафар (321 ретроспектив ва 241 проспектив) аёлларнинг клиник-лаборатор ва инструментал текширув натижалари олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида биокимёвий ва иммунофермент тадқиқотлар учун вена қони зардоб, полемераза занжир реакцияси тадқиқоти

учун цервикал канал ва қин секрет, тиббий-ижтимоий тадқиқотлар учун статистик маълумотлар олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқотни бажариш давомида умум-клиник, инструментал, ультратовуш, биокимёвий, микробиологик, иммунофермент, полемераза занжир реакцияси, тиббий-ижтимоий ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор репродуктив ёшдаги қалқонсимон без касалликлари мавжуд бемор ҳамда соғлом аёллар орасида турли контрацепция воситаларини қўллаш давомийлиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида, маслаҳат бериш жараёнида хавотирлик ҳолатини бартараф қилиш ва воситаларнинг тиббий мақбуллик мезонларини ҳисобга олган ҳолда, уларни тўғри танлашнинг аҳамияти аниқланган;

репродуктив ёшдаги аёлларда турли контрацепция воситаларидан фойдаланиш жараёнида мамнунлик даражаси ва хавотирлик кўрсаткичи аниқланган;

танланган контрацепция воситаларининг узоқ вақт давомида ишлатилмаслиги ва паст самарадорлиги аёлларнинг воситалар ножўя таъсирлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмаслиги билан боғлиқлиги аниқланган;

қалқонсимон без касалликлари мавжуд аёлларда турли контрацепция воситаларини қўллаш жараёнида қин микробиоценозининг нормоценоз ҳолатидан яққол анаэроб ва аралаш дисбиоз ҳолатларига ўзгариши аниқланган;

қалқонсимон без касалликлари кузатилган аёлларда 1-, 2-, 3-тоифаларга хос тиббий мақбуллик мезонларини аниқлаш асосида турли контрацепция воситаларини индивидуал танлашни оптималлаштириш ва асоратларининг олдини олиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қалқонсимон без касалликлари кузатилган аёлларнинг контрацепция воситаларидан мамнунлиги ва хавотирлик кўрсаткичини ўрганиш учун модификацияланган Ханин-Спилберг саволномаси энг мақбул вариант сифатида тавсия этилган;

турли контрацепция воситаларини индивидуал танлаш ҳамда жинсий аъзолар яллиғланиш касалликларининг олдини олиш мақсадида қин микробиоценозини ўрганиш учун «Фемафлор-16» тест тўплами илк бор амалиётга тавсия этилган;

қалқонсимон без касалликларида контрацепция воситалари қўлланилишидаги мақбуллик мезонлари такомиллаштирилган ва контрацепция воситаларини индивидуал танлаш алгоритми ишлаб чиқилган ва татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва замонавий усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотларда замонавий, бири иккинчисини тўлдирувчи клиник, лаборатор, функционал, гормонал, микробиологик усулларнинг қўлланилганлиги, маълумотларга статистик текширув усуллари

ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг ишончлилиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти репродуктив ёшдаги қалқонсимон без касалликлари кузатилган бемор ва соғлом аёллар орасида контрацепция воситаларининг тури ва қўлланиш давомийлигига боғлиқ ҳолда қин микробиоценозини ўрганиш асосида уларнинг самарадорлиги, хавфсизлиги, аёлларнинг хавотирлик кўрсаткичи ва мамнунлиги баҳоланганлиги, қалқонсимон без касалликлари ташхисланган аёлларда контрацепция воситаларини индивидуал танлашни оптималлаштириш алгоритми, истикболни белгиловчи ва мақбуллик мезонларининг мукамаллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қалқонсимон без касалликлари кузатилган ва соғлом аёлларнинг контрацепция воситаларидан мамнунлиги ва хавотирлик кўрсаткичини ўрганиш учун модификацияланган Ханин-Спилберг саволномаси энг мақбул вариант сифатида тавсия этилганлиги, турли контрацепция воситаларини индивидуал танлашга ёндашишни оптималлаштириш мақсадида қин микробиоценозини ўрганиш учун «Фемафлор-16» тест тўплами амалиётга тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аёлларда контрацепция усуллари индивидуал танлашга ёндашишни оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Турли контрацепция воситаларидан фойдаланаётган фертил ёшдаги аёлларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичларини аниқлаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 5 июлдаги 8н-д/166-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома аёлларнинг контрацепцияга муносабати, уларнинг мамнунлик ва хавотирлик кўрсаткичини модификацияланган Ханин-Спилберг саволномаси ёрдамида аниқлаш, баҳолаш, таҳлил қилиш имконини берган;

аёлларда контрацепция усуллари индивидуал танлашга ёндашишни оптималлаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Хоразм вилоят кўп тармоқли марказий поликлиникаси, Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази Хоразм вилояти филиали, Хоразм вилояти перинатал маркази клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 декабрдаги 8н-з/226-сонли маълумотномаси). Натижаларнинг амалиётга жорий этилиши контрацепция воситаларини қўллаш самарадорлиги ва давомийлигининг оширилиши натижасида воситаларга бўлган талабнинг камайиши ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 6 та, жумладан, 4 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижала-

рини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, муҳокама, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, ўтказилган тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги асосланган, назарий ҳамда амалий аҳамияти кўрсатиб берилган, натижаларни амалиётга татбиқ қилиш, диссертация иши апробацияси, эълон қилинган илмий ишлар рўйхати, диссертациянинг таркиби бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Аёлларда контрацепция усуллари индивидуал танлашнинг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобидан тадқиқотчиларнинг сўнгги йиллардаги замонавий контрацепция воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги асослари, гормонал контрацепцияни қўллаш самарадорлиги ва индивидуал ёндашиш хусусиятлари, қалқонсимон без фаолияти бузилишининг жинсий аъзолар фаолиятига таъсири ва контрацепция усуллари индивидуал танлашдаги аҳамияти, кин микробиоценозини аниқлашнинг аҳамияти ҳақидаги илмий ишлари натижаларининг талқини ва таҳлили ўрин олган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот дизайни, бажарилган ишлар ҳажми. Материал ва усуллар**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморлар контингенти тавсифи, касаллик клиник хусусиятлари ва фойдаланилган усуллар батафсил баён этилган. Мазкур диссертация ишини бажариш мақсадида жами 562 нафар фертил ёшдаги (18–49 ёш) аёллар жалб қилинган. Шулардан 241 нафари Хоразм вилоятида доимий истиқомат қилувчи турли контрацепция воситаларидан фойдаланаётган аёллар (проспектив текширув) ва 321 нафари 2017–2018 йилларда контрацепция усулларида фойдаланишни вақтидан олдин тўхтатган (ретроспектив текширув) аёллар бўлган. Барча тадқиқотларнинг рандомизацияланган бўлгани, асосий таққослаш ва назорат гуруҳларининг бир-бирига нисбатан репрезентатив бўлишига эътибор қаратилган.

Текширилган контингент икки гуруҳга тақсимланган: 1-гуруҳ (асосий) – қалқонсимон без касалликлари кузатилган аёллар гуруҳи – 124 нафар; 2-гуруҳ (таққослаш) – соғлом аёллар гуруҳи – 117 нафар.

Ушбу гуруҳлар, ўз навбатида, қўлланилган контрацепция воситаларига мос кичик гуруҳларга бўлинган: 1а кичик гуруҳ – БИВни қўллаган қалқонсимон без касалликлари ташхисланган аёллар (n=44); 1б кичик гуруҳ – КОКни қўллаган қалқонсимон без касалликлари ташхисланган аёллар (n=39); 1с

кичик гуруҳ – СПК ва ИКни қўллаган қалқонсимон без касалликлари ташхисланган аёллар (n=41); 2а кичик гуруҳ – БИВни қўллаган соғлом аёллар (n=40); 2б кичик гуруҳ – КОКни қўллаган соғлом аёллар (n=37); 2с кичик гуруҳ – СПК ва ИКни қўллаган соғлом аёллар (n=40).

Текширувга жалб қилинмаган, яъни истисно бўлган ҳолатлар: тиреотоксикоз, компенсацияланмаган гипотиреоз, қандли диабет, глюкозага толерантликнинг бузилиши, ҳомиладорлик, чекиш, анамнезида тромбоз ва тромбоэмболия, соматик патологиялар кўзиш даври, жинсий йўл билан юқадиган касалликлар, қиндан қон кетиш ҳолатлари, эстрогенга боғлиқ ўсмалар, анамнезида ёки мазкур даврда хавфли ўсма мавжудлиги, руҳий касалликлар.

Қўлланилган контрацепция воситалари: БИВ тури – ТСu380; КОК тури – этинилэстрадиол 30 мкг + левоноргестрел 150 мкг таркибли 21-сонли таблеткалар; ИК – депомедроксипрогестерон ацетат 150 мг инъекцияси ва СПК 35-сонли таблеткаси – левоноргестрел 0,03мг.

Барча аёлларда ультратовуш текширишлари (УТТ) «Toshiba SSA-340» (Japan) фирмаси асбобидан фойдаланиб олиб борилган, датчик частотаси 3,5 МГц. УТТда аёллар жинсий аъзолари ва қалқонсимон без текширилган. Қалқонсимон без ҳажми Brunn J. (1981) формуласи орқали ҳисобланган. Диффуз нотоксик бўқоқ ташхиси УТТнинг 12 та кўрсаткичи ва қалқонсимон без ҳажми ЖССТ меъёрлари кўрсаткичлари билан солиштирилган.

Тадқиқотларга жалб қилинган аёллар гормонлари текшируви, қон зардобдаги тиреотроп гормон, тироксин, трийодтиронинлар миқдори «Human Gesellschaft Biochemica und Diagnostica» (Wiesbaden, Germany) фирмаси «Human Reader HS» иммунофермент анализаторида аниқланган.

Гематологик кўрсаткичларни аниқлаш учун «Human Count 30TS/ Human Count 60TS» автоматик гематологик анализаторидан фойдаланилган.

Контрацепция воситалари (КВ)дан фойдаланаётган аёллар генитал тракти микробиоценози ҳолатини аниқлаш мақсадида динамикада «Фемофлор-16» тўпламидан («ДАК-технология» ИИБ, РФ) фойдаланилган. Ушбу тўплам ёрдамида умумий бактериялар миқдори (УБМ), *Lactobacillus spp* ва 23 та клиник аҳамиятли патоген, шартли-патоген (факультатив-анаэроб, облигат-анаэроб, микоплазмалар, уреоплазмалар) микроорганизмлар, *Candida* авлоди ачитқисимон замбуруғлари, улар орасидаги нисбатлар аниқланган. Биологик намуналарни баҳолашда уларда текширилаётган аёллар ДНК хужайралари 104 геном/эквивалент (гэ)дан кўп бўлганда, УБМ намунада 106 дан 109 гэ бўлганда ҳисобга олинган.

КВдан аёллар қисқа муддат ва самарасиз фойдаланиш сабабларини аниқлаш мақсадида уларнинг психологик ҳолати ўрганилган. Аёлларда КВдан фойдаланишда вазиятга боғлиқ хавотир кўрсаткичлари бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида модификацияланган Ханин-Спилберг саволномаси аёллар томонидан тўлдирилиб, тестда кўрсатилган баллар йиғиндиси махсус формула билан ҳисобланиб, жавоблар баҳоланган.

Барча текширувлар уч марта – КВни қўллашдан аввал, қўллашдан 6 ва 12 ойдан сўнг олиб борилган.

Ҳар бир бажарилган босқич охирида олинган натижаларга статистик ишлов бериш Excel дастури ёрдамида бажарилган, натижалар умумлаштириб борилган. Натижаларни статистик ишлаш учун анъанавий вариацион статистика усулларида фойдаланилган. Тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларидан фойдаланилган (Маматкулов Б.М., 2013).

Диссертациянинг «**Турли контрацепция воситаларидан фойдаланувчи фертил ёшдаги аёлларнинг усулдан мамнунлик, хавотирлик даражаси ва контрацепцияга муносабати (ретроспектив таҳлил)**» номли учинчи бобида 321 нафар контрацепция турини ўзгартирган ва усулни тўхтатган аёллар анкеталари ретроспектив таҳлил қилинган.

Аёллар қўллаган контрацепция тури бўйича 3 гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ – БИВни қўллаганлар ($n=160$); 2-гуруҳ – КОКни қабул қилганлар ($n=72$); 3-гуруҳ – СПК ва ИКни қабул қилганлар ($n=89$). Ёшлари бўйича улар эрта (18–25 ёш), ўрта (26–35 ёш), кеч (36–48 ёш) репродуктив ёшларга бўлинган. Аниқланишича, БИВдан ўрта репродуктив ёшдаги аёллар (50,6%), КОКдан эрта репродуктив ёшдаги аёллар (54,1%), СПК, ИКдан кеч репродуктив ёшдаги аёллар (51,7%) кўпроқ фойдаланишган. Паритет бўйича 13% ҳолатда 4 та ҳомиладорлик ва 1,2% ҳолатда 5 та ҳомиладорлик кузатилган, жами 4 та туғруқлар сони 11,5% ни ташкил этган. Абортлар эса 1,5% ҳолатда учраган. Учала гуруҳда ҳам ҳайз цикли давомийлиги бўйича ишонарли тафовутлар аниқланмаган. Контрацепцияни қўлашдан вақтинча воз кечган аёллар сони 62 нафар (19,3%) бўлиб, 80,7% аёллар контрацепциянинг бошқа турига ўзгартиришни маъқул кўрган.

БИВни қўлаш давомийлиги бўйича бошқа КВга нисбатан устунлик қилган. Агар БИВни алмаштириш муддати асосий вақти 12 ойдан 24 ойгача ни ташкил этган бўлса (80,6%, $n=129$), КОКда бу параметр 3 ойгача бўлган муддатга тўғри келган (65,3%, $n=47$), СПК ва ИКдан фойдаланган аёлларда эса асосий алмаштиришлар 12 ойгача амалга оширилган – мос равишда 3 ойгача 14,6% ($n=13$), 6 ойгача 41,6% ($n=37$), 12 ойгача 20,2% ($n=18$). Тўхтатиш ва алмаштириш сабаблари: БИВ экспульсияси ёки ножўя таъсири сабаблари қайта қўйиш 24,4% ни ташкил этган; БИВни алмаштиришни хоҳлаган аёлларнинг 46,3% КОКни танлашган; СПК, ИКни танлаганлар улуши ишонарли кам бўлган – 16,3%; КОКдан фойдаланганларнинг 48,6% ва СПК, ИКдан фойдаланганларнинг 48,3% БИВга ўтган; СПК, ИК қабул қилишни тўхтатиш сабаблари сифатида аёллар, асосан, аменорея (67,4%), вазн ортиши (44,9%), репродуктив фаолият тикланмаслигидан қўрқишни (31,4%) кўрсатишган.

Ретроспектив гуруҳдаги аёллар илмий изланишнинг кейинги босқичига жалб этилиб, 321 нафар аёл модификацияланган Ханин-Спилберг саволномасидан ўтказилган. Саволнома бўйича турли КВдан фойдаланаётган 69,3% дан 84,7% гача бўлган аёлларнинг воситага муносабати салбий эканлиги аниқланган. Асосий сабабларидан бири – бу воситаларнинг ножўя таъсирлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлмаслик.

«Танлаган КВнинг кутилиши мумкин бўлган ножўя таъсирлари ҳақида тиббиёт ходимлари Сизга маълумот берганми ва қай даражада?» деган саволга фақат 45 нафар (14%) аёл «ҳа, тўлиқ тушунтирилган» деб жавоб берган. 185 нафари (57,6%) қисқача ахборот олганлигини таъкидлаган, 91 нафари (28,3%) эса умуман тушунтирилмагани ҳақида билдиришган. Ваҳоланки, шундай маълумотларга эга аёлларда ножўя таъсирлар ривожланишида қўрқув ва хавотирлик ҳолатлари енгил кечиши, бошқа воситага ўзгартириши ёки КВдан тўлиқ воз кечишининг олдини олиш мумкин эди. Тўғри ва тўлиқ ўтказилган маслаҳат жараёни мижозлар томонидан танланган усулнинг узоқ вақт қўлланилиши ва самарадорлиги ошишига замин яратади.

Диссертациянинг «Қалқонсимон без касалликлари мавжуд аёлларда контрацепция воситаларини индивидуал танлашда ва самарадорлигини оширишда мақбуллик мезонлари» деб номланган тўртинчи бобида турли КВни қўллаган қалқонсимон без касалликлари билан касалланган 124 нафар аёлдаги ўзига хосликни аниқлаш мақсадида текширувлар 117 нафар соғлом аёлга нисбатан солиштирма равишда ўтказилган.

Қалқонсимон без касалликларидан энг кўп учрайдиган ҳолат (82,3%) биринчи ва иккинчи даражали нотоксик бўқоқ эканлиги аниқланган (1-жадвал). Соғлом аёлларга нисбатан қалқонсимон без касалликлари бор аёлларда қатор соматик касалликлар кўп намоён бўлган. Жумладан, енгил даражали камқонлик 1-гуруҳдаги аёлларда (80,6%) 2-гуруҳдаги аёлларга (78,6%) нисбатан кўп бўлган. Юрак қон томир тизими касалликлари 1-гуруҳда ҳар тўртинчи аёлда учраб, 2-гуруҳга нисбатан 1,3 марта кўп бўлган.

Қалқонсимон без касалликлари мавжуд аёлларда гинекологик касалликлар ўрганилганда, ҳайз цикли бузилишлари (полименорея, дисменорея, гипоменструал синдром, альгоменорея) 69,4% аёлларда учраб, солиштирув гуруҳига нисбатан 20,5 марта кўп бўлган. Жинсий аъзолар яллиғланиши касалликлари 1-гуруҳдагиларда солиштирув гуруҳига нисбатан 13,7% кўп учраган.

1-жадвал

Репродуктив ёшдаги қалқонсимон без касалликлари кузатилган аёлларнинг нозологик бирликлар бўйича тақсимланиши (n=124)

Эндокринологик ташхислар		Бемор аёллар сони	
		мутлақ	%
Диффуз нотоксик бўқоқ, 1-даража	Эутериоз	52	41,9
	Гипотериоз	0	0
Диффуз нотоксик бўқоқ, 2-даража	Эутериоз	34	27,4
	Гипотериоз	16	12,9
АИТ (аутоиммун териоидит)	Эутериоз	4	3,2
	Гипотериоз	1	0,8
Териоидит сурункали	Эутериоз	6	4,8
	Гипотериоз	1	0,8
Тугунли бўқоқ	Эутериоз	8	6,5
	Гипотериоз	2	1,6

Паритет бўйича ҳар иккала гуруҳда ишонарли фарқлар кузатилмаган. Қалқонсимон без касалликлари бор аёлларнинг ҳар тўртинчи ва бешинчисида (23,4%) ҳомила ўз-ўзидан тушиши содир бўлган, бу рақам соғломлар гуруҳига қараганда 3 марта кўп бўлган.

Контрацепцияни бошлашдан аввал қалқонсимон без касалликлари мавжуд аёлларга республикамизда қабул қилинган стандартларга биноан эндокринолог тарафидан даво чоралари белгиланиб, динамикада мониторинг олиб борилган. Аёлларга ЖССТ таклиф қилган тиббий мезонлар асосида фақат биринчи ва кам ҳолатларда иккинчи тоифа КВ индивидуал танланган. Ҳар бир аёл билан КВ бўйича маслаҳат ишлари олиб борилган. Изланишларда эътиборни тортган текширувлар гипофиз ва қалқонсимон без фаолиятини ифодаловчи таҳлиллар динамикаси бўлган. Шунинг таъкидлаш лозимки, қалқонсимон без фаолиятида нисбатан чуқур ўзгаришлар кузатилганларга (АИТ, сурункали тиреоидит, тугунли бўқоқ) эндокринолог тавсиясини ҳисобга олган ҳолда БИВни қўллаш тавсия қилинган.

Гормонал текширувлар билан динамикада 86 нафар биринчи ва иккинчи даражали диффуз нотоксик бўқоқ касаллиги мавжуд бемор аёллар таҳлил қилинганида: БИВ, СПК ва ИКни қўлловчи 1-гуруҳ аёлларида динамик кузатувларда кескин ўзгаришлар аниқланмаган, аммо кўрсаткичлар бир-биридан ишонарли фарқ қилган. КОКни қўлловчи 1-гуруҳ аёлларида ТТГ миқдори 6 ойдан кейин $2,77 \pm 0,18$ мМЕ/л дан $3,68 \pm 0,24$ мМЕ/л гача кўпайган ($P < 0,05$), 12 ойдан кейин эса яна $2,10 \pm 0,13$ мМЕ/л гача ишонарли камайган ($P < 0,05$). Т4 миқдори эса 6 ойдан кейин $123,29 \pm 3,47$ нмоль/л дан $132,8 \pm 3,08$ нмоль/л гача ишонарли ошган ($P < 0,05$), 12 ойдан кейин камайиш кузатилган – $126,58 \pm 2,89$ нмоль/л ($P < 0,05$). 2-гуруҳ (соғлом) аёлларида барча КВ қўлловчиларнинг гормонлар кўрсаткичлари бир-биридан динамикада ишонарли фарқ қилмаган ($P > 0,05$).

Барча диффуз нотоксик бўқоқ ташхиси қўйилган аёллар эндокринолог кузатувида бўлиши ва даволаниши билан бирга юқоридаги 3 турдаги КВни қўллаганда ультратовуш текширувларида динамикада қуйидаги ўзгаришлар аниқланган: БИВни қўлловчи 1-гуруҳ аёлларида қалқонсимон без ҳажми 12 ой давомида 98% ҳолатда меъерий ҳажмга ўтиши кузатилган. КОКни қўлловчи 1-гуруҳ аёлларида қалқонсимон без ҳажми 6 ой давомида 94% ҳолатда меъерий ҳажмга ўтганлиги, 12 ойдан кейин эса 27% ҳолатда ушбу без ҳажми катталашганлиги ва 73% ҳолатда меъерий ҳажмда бўлганлиги кузатилган. СПК ва ИКни қўлловчи аёлларда қалқонсимон без ҳажми 12 ой давомида 97% ҳолатда меъерий ҳажмга ўтиши аниқланган. Қалқонсимон без фаолиятидаги ижобий ўзгаришлар асосий касаллик даволаниши натижаси, контрацепция турининг тўғри танланганлиги ҳақида далолат берган.

Динамикада ҳайз цикли бузилишлари шунинг кўрсаткичи, аменорея ҳолати СПК ва ИКни қўлловчиларда усулнинг нолга таъсири ҳисобига 1-гуруҳда 7,3% дан 36,5% га, 2-гуруҳда 2,5% дан 37,5% га ошган, асосий ва қиёсий гуруҳларда кўрсаткичлар нисбатан бир хил бўлган. Гиперполименорея

ҳолати 1-гурӯҳда контрацепциядан олдин юқори бўлган, соғломларда эса кузатилмаган.

Бу қалқонсимон без функцияси бузилишининг репродуктив тизимга таъсири ҳисобига бўлиб, БИВ қўлланилишида бу ҳолат кузатилиши биринчи 6 ойда 4,5% дан 36,3% га ошган бўлса, КОК қўлланилишида эса 6 ойдан кейин 7,8% дан 2,6% га камайиши кузатилган. Гипоменорея ҳолати ноҳўй таъсир сифатида КОК қўлланилишида 6 ойдан кейин ошиши иккала гурӯҳ учун ҳам нисбатан бир хил ўзгарди. СПК ва ИКни қўлловчиларда бу ҳолат 1-гурӯҳда 6 ойда 4,9% дан 48,7% га ошган бўлса, 2-гурӯҳ аёлларида 12 ойдан кейин 57,5% га ошди.

КВдан фойдаланаётган қалқонсимон без касалликлари кузатилган аёлларда модификацияланган Ханин-Спилберг саволномаси бўйича динамикадаги натижалар шуни кўрсатдики, барча турдаги КВ қўлловчи аёлларнинг 88,6% идан (БИВ) 97,6% игача (СПК, ИК) хавотирлик кўрсаткичи паст даража бўлган (2-жадвал). Қолган ҳолатларда ўрта даражадаги хавотирлик ҳолати 12 ойга бориб фақатгина 11 нафар аёлда намоён бўлган.

2-жадвал

Қалқонсимон без касалликлари билан касалланган аёлларда хавотирлик даражасининг динамикадаги ўзгаришлари

Хавотирлик даражаси	Текширув муддати	1а гурӯҳ, n=44		1б гурӯҳ, n=39		1с гурӯҳ, n=41	
		мут	%	мут	%	мут	%
30 баллгача (паст)	КВдан олдин	39	88,6±4,8	35	89,7±4,9	40	97,6±2,4
	6 ойдан сўнг	44	100,0↑	37	94,9±3,5↑	37	90,2±4,6↓
	12 ойдан сўнг	40	90,9±4,3↑	36	92,3±4,3↑	37	90,2±4,6↓
31–45 балл (ўртача)	КВдан олдин	4	9,1±4,3	4	10,3±4,9	1	2,4±2,3
	6 ойдан сўнг	0	0	2	5,1±3,5↓	4	9,8±4,6↑
	12 ойдан сўнг	4	9,1±4,3↔	3	7,7±4,3↓	4	9,8±4,6↑
45 баллдан юқори (юқори)	КВдан олдин	1	2,3±2,2	0	0	0	0
	6 ойдан сўнг	0	0	0	0	0	0
	12 ойдан сўнг	0	0	0	0	0	0

Эслатма: ↑, ↓ ва ↔ – қўйиш пайтига нисбатан натижалар ошгани, камайгани ($P < 0,05-0,01$), ишонарли тафовут йўқлигини билдирувчи белгилар

Диссертациянинг «Контрацепция воситаларининг қин микрофлорасига таъсири солиштирма ўрганиш ва ташхислаш» деб номланган бешинчи бобида турли КВдан фойдаланаётган аёллар генитал тракти микробиоценози ҳолатининг динамикада ўрганилганлиги натижалари келтирилган.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, қалқонсимон без касалликлари мавжуд аёллар қин микробиоценози даражаларининг учраш фоизлари контрацепция турларига боғлиқ бўлган. Натижалар контрацепция туридан қатъий назар мутлақ нормоценоз аниқланмаганлигини кўрсатган. Яққол анаэроб

ва аралаш дисбиоз даражалари 1а кичик гуруҳида қолган кичик гуруҳларга нисбатан сезиларли кўп учраши билан фарқланган.


Аммо барча кичик гуруҳлар кўрсаткичлари бир-бири билан солиштирилганда турли КВнинг қин микробиоценози ҳолати билан боғлиқ маълум қонуниятлари учрамаган. Юқоридагига ўхшаш тадқиқотлар соғлом аёлларда ҳам ўтказилган. Агар БИВдан фойдаланган аёлларда (2а кичик гуруҳ) мутлак нормоценоз ҳолати аниқланмаган бўлса, КОК (2б кичик гуруҳ), СПК ва ИКдан фойдаланган (2с кичик гуруҳ) аёлларда бу кўрсаткичлар бир-бирига яқин бўлган ($P>0,05$) – 21,4% ва 22,2%. Амалий жиҳатдан худди шундай натижалар шартли нормоценоз даражасининг учраш фоизи бўйича ҳам кузатилган ($P>0,05$). Нисбий нормоценоз даражасининг учраш фоизлари олдинги келтирилган параметрлардан бирмунча фарқли бўлган. Агар 2а кичик гуруҳда бу кўрсаткич 45,4% га тенг бўлган бўлса, 2б (14,3%, $P<0,05$) ва 2с кичик гуруҳларда (33,4%, $P>0,05$) сезиларли тафовут аниқланган.

БИВдан фойдаланган аёлларда КВнинг генитал йўлда жойлашгани мутлак ва шартли нормоценоз даражаси учрашига тўсқинлик қилади, бунинг исботи сифатида КОК, СПК ва ИКдан фойдаланган аёлларда ушбу кўрсаткичларнинг ҳар 4 аёлдан бирида учраши келтириб ўтилган. Шартли, нисбий ва яққол анаэроб дисбиоз, аралаш дисбиоз даражалари учраши бўйича амалий жиҳатдан бир-бирига яқин натижалар олингани эътироф этилган. Барча кўрсаткичлар кам фоизларда учраб, бир-биридан айтарли фарқ қилмаган. Демак, соғлом аёлларда КВ генитал йўл микрофлораси ҳолатига салбий таъсир этмаган. Бу эса қин микрофлорасида дисбиотик аломатлар фоизларининг камлиги билан изоҳланган.

Қалқонсимон без касалликлари кузатилган ва соғлом аёллар қин микробиоценози ҳолатлари солиштирилганда бир-биридан тафовутланувчи ҳолатлар кузатилган. Қин микробиоценози меъёрий ҳолати (мутлак, шартли, нисбий нормоценоз) ва қин дисбиози (мўътадил, яққол анаэроб ва аралаш дисбиоз) учраш таҳлиллари бўйича соғлом ҳамда қалқонсимон без касалликлари ташхисланган аёллар натижаларида қин микробиоценози меъёрий ҳолати соғлом аёлларда сезиларли даражада кўп учраши билан тавсифланган. Бу кўрсаткич БИВни қўллаган соғлом аёлларда 54,5% ни ташкил этган бўлса, шу КВдан фойдаланган бемор аёлларда у 25,0% ни ташкил этган. КОК, СПК ва ИКдан фойдаланган аёлларда бу кўрсаткич 50,0% ва 57,1% ни ҳамда 40,0% ва 88,8% ни ташкил этган.

Қин дисбиози ҳолатларининг соғлом ва қалқонсимон без касалликлари ташхисланган аёлларда аниқланган натижалари 1-расмда келтирилган бўлиб, у аниқланган қин дисбиози фоизлари соғлом аёллардан кўра бемор аёлларда сезиларли даражада кўп учрагани ҳақида далолат беради. Ўрганилган кичик гуруҳлар бўйича улар мос равишда 45,5% ва 75,0%; 42,9% ва 50,0%; 11,1% ва 60,0% ни ташкил қилган. Ҳар иккала ҳолат бўйича КОК параметрлари бир-бирига яқин бўлган, аммо кўп фарқли натижа СПК ва ИКдан фойдаланган аёлларда кузатилган.

Қуйидагилардан келиб чиққан ҳолда репродуктив ёшдаги аёлларнинг турли КВдан фойдаланиши баробарида қалқонсимон без касалликларининг ташхисланиши генитал йўл микрофлорасига салбий таъсир қилиши аниқланди. Шу муносабат билан «Фемафлор-16» тўплами ёрдамида қин микробиоценози ҳолатининг аниқланиши эса контрацепция самарадорлиги истикболини белгиловчи мезон сифатида тавсия қилинган.



1-расм. Қин дисбиози ҳолати учраши бўйича қалқонсимон без касалликлари ташхисланган ва соғлом аёллар натижалари (%)

Барча микробиологик тадқиқотлар КВ қўйилгач, 12 ойдан сўнг қайта ўтказилган. Олинган маълумотлар қиёсий таҳлили ушбу муддатдан сўнг бемор аёллар қин микробиоценози ҳолатида динамикада салбий ўзгаришлар кучайганини кўрсатган (3-жадвал).

3-жадвал


Турли контрацепция воситаларидан фойдаланган қалқонсимон без касалликлари кузатилган аёллар қин микробиоценози ҳолати, %

Микробиоценоз ҳолати даражалари	1а гуруҳ		1б гуруҳ		1с гуруҳ	
	КВ	12 ой	КВ	12 ой	КВ	12 ой
Мутлақ нормоценоз	0	0	0	0	0	0
Шартли нормоценоз	12,5	0	12,5	0	10,0	0
Нисбий нормоценоз	12,5	0	0	0	30,0	0
Шартли ва нисбий анаэроб дисбиоз	0	0	37,5	25,0	30,0	10,0
Яққол анаэроб дисбиоз	25,0	50,0	37,5	50,0	20,0	40,0
Аралаш дисбиоз	50,0	50,0	12,5	25,0	10,0	50,0

Эслатма: КВ – контрацепция воситасини қўйишгача;
12 ой – 12 ойдан сўнг

Яққол анаэроб дисбиоз ва аралаш дисбиознинг кучайгани КВнинг ножўя таъсири сифатида баҳоланган. Бу эса, ўз навбатида, КВ бор қалқонсимон без касалликлари ташхисланган аёллар қин микробиоценози ҳолатини ўрганиш учун динамик микробиологик мониторинг ўтказиш заруратини кўрсатади.

Демак, турли КВ қўлланилишида 12 ойдан сўнг қин микробиоценозида дисбиоз аломатлари сезиларли кучайган, ўрганилган бемор аёлларда бу ҳолат соғлом аёлларга нисбатан кучли намоён бўлган.



2-расм. Диффуз нотоксик бўқоқ касаллигида контрацепция воситаларини индивидуал танлаш ва қўллаш алгоритми

Турли КВдан фойдаланаётган репродуктив ёшдаги аёллар генитал тракти микробиологик мониторинги динамикада ўтказилмас экан, ушбу патология олди ва патологик ҳолатларини аниқлашнинг имкони бўлмайди. Бу эса КВни қўллаш самарадорлиги, ундан фойдаланишдан мамнунлик даражасининг пасайишига олиб келади. Шу сабабли турли КВдан фойдаланиш давомида уларни қўлловчи аёлларда генитал тракт микробиологик ҳолатини

динамикада назорат қилиб бориш зарурати бор. Шу сабабли ҳам алгоритм яратиб, уни амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Аниқланган қин дисбиоз ва яллиғланиш касалликлари кузатилган ҳолатларни Ўзбекистонда қабул қилинган стандартлар бўйича даволаш ва уларнинг олдини олиш мақсадга мувофиқ.

Бажарилган илмий изланишларимиз натижасида хулоса қилиш мумкин-ки, ҳар бир КВга муҳтож, айниқса, қалқонсимон без касаллиги бор аёлларга КВни танлашда қалқонсимон без функционал ҳолати, бошқа соматик касалликларнинг мавжудлиги ҳамда қин микробиоценоз ҳолати ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ. Шу ўринда қалқонсимон без касалликларида КВни индивидуал танлаш ва қўллаш алгоритми ишлаб чиқилган (2-расм).

ХУЛОСА

1. Репродуктив ёшдаги аёлларда қалқонсимон без касалликларидан, асосан, биринчи ва иккинчи даражали диффуз нотоксик бўқоқ касаллиги (82,2%) учраган. Уларда 66% ҳолатда ҳайз цикли бузилишлари ва соғлом аёлларга нисбатан 3 барабар кўп миқдорда ўз-ўзидан ҳомила тушиши аниқланган. Жинсий аъзолар яллиғланиши касалликлари эса қалқонсимон без касалликларида соғломларга нисбатан 14% кўп учраган.

2. Ретроспектив текширувларнинг кўрсатишича, 321 нафар таҳлил қилинган аёллар контрацепция воситаларидан қисқа муддат фойдаланган (3–6 ойгача гормонал контрацепция ва 12–24 ойгача БИВ). Воситани тўхтатиш ёки бошқа турига алмаштиришнинг асосий сабаблари: 48,4% ида гормонал контрацепцияда кўнгил айланиши, 45,7% ида ҳайз цикли бузилишлари, деярли барчасида вазн ортишидан қўрқиш, 43,7% ида репродуктив фаолиятнинг тикланмаслигидан қўрқиш бўлганлиги аниқланди.

3. Модификацияланган Ханин-Спилберг саволномасининг динамикадаги таҳлилларига биноан аёлларга контрацепция воситасидан фойдаланиш бўйича тўғри ва тўлиқ маслаҳат, воситалар ноҳўя таъсирлари ҳақида тўлиқ маълумот берилиши, ЖССТ таклиф этган мақбуллик мезонлари бўйича тавсия этилиши динамикада ҳавотирлик кўрсаткичининг пасайиши, контрацепция воситасидан мамнунлик даражаси ошириши ва КВдан узоқ фойдаланишга замин яратиши исботланди.

4. Қалқонсимон без касаллиги бўлган аёлларда қин дисбиоз ҳолатлари соғлом аёлларга нисбатан кўп учраши аниқланган. Динамик кузатувларда БИВни қўлловчи бемор аёлларда 12 ой давомида яққол анэроб дисбиоз 25% дан 50% га, КОКни қўлловчи бемор аёлларда 37,5% дан 50% га, СПК ва ИКни қўлловчи бемор аёлларда эса 20% дан 40% га ошган. Бу эса КВни индивидуал танлаш жараёнида ва фойдаланиш динамикасида, жинсий аъзолар яллиғланиш касалликларининг олдини олиш учун қин микробиоценозини аниқлаш ва коррекция қилиш муҳимлигидан далолат берди.

5. Қалқонсимон без касалликлари кузатилган аёлларда КВни индивидуал танлашда қуйидаги мақбуллик мезонларига амал қилиш муҳим: диффуз нотоксик бўқоқли аёллар учун БИВ, СПК, ИКни қўллаш 1-даражали, КОК

эса 2-даражали усул бўлиб, қалқонсимон без фаолиятининг кучли бузилишларида эстроген сақловчи контрацептивлардан воз кечиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.29.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ПЕДИАТРИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

РАХМАНОВА НОДИРА ХОДЖАЯЗОВНА

**ОПТИМИЗАЦИЯ ПОДХОДОВ К ИНДИВИДУАЛЬНОМУ ПОДБОРУ
МЕТОДОВ КОНТРАЦЕПЦИИ У ЖЕНЩИН**

14.00.01 – Акушерство и гинекология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.3.PhD/Tib388.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном стоматологическом институте и Ургенчском филиале Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.tashpmi.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель:	Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна, доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Зуфарова Шахноза Алимджановна, доктор медицинских наук Ниязметов Рахматулло Эрматович, доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр акушерства и гинекологии

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2020 г. в « ____ » часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.29.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском педиатрическом медицинском институте. (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Богишамол, дом 223. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14, e-mail: tashpmi@mail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Богишамол, дом 223. Тел./факс: (+998) 71-262-33-14.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2020 г.
(реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » _____ 2020 г.).

А.В.Алимов,
председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.м.н., профессор

К.Н.Хаитов,
ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.м.н., профессор

Д.И.Ахмедова,
председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире планирование семьи – это обеспечение контроля над репродуктивной функцией с целью рождения желанных детей. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), «...во всем мире в 2015 г. около 830 женщин умирали каждый день из-за осложнений во время беременности или родов»¹. Несоблюдение интергенетического интервала не только ухудшает здоровье женщин, но и отрицательно воздействует на здоровье родившихся и запланированных в будущем детей. «Короткие интервалы между беременностями оказывают негативное влияние на здоровье матери и ребенка, ранние роды, преждевременные роды, повышают уровень ранней неонатальной смерти, смерти новорожденных и материнской смертности...»². Вследствие этого снижается качество уровня жизни больных женщин. В связи с этим одной из основных проблем, имеющих особое значение в данной области, является оптимизация подходов к индивидуальному подбору методов контрацепции у женщин.

В мире особое внимание уделяется исследованиям по изучению новых высокоэффективных подходов к вопросам предохранения от беременности женщин моложе 18 и старше 35 лет, соблюдения трёхлетнего интервала между родами, полного восстановления организма матери после родового стресса, индивидуального подбора контрацептивных средств. Выявление побочных действий различных контрацептивных средств, оказываемых на печень, щитовидную железу, частоты возникновения побочных действий, определение особенностей использования контрацептивов являются приоритетным направлением научных исследований. Разработка показателей оценки качества жизни и удовлетворенности женщин при использовании различных контрацептивных средств, клинко-лабораторных критериев, оценивающих безопасность и эффективность контрацептивов для женщин различного репродуктивного возраста, является одной из наиболее актуальных проблем, с которыми сталкиваются медицинские работники.

В годы независимости в стране сфера здравоохранения коренным образом обновилась, на сегодняшний день актуальной проблемой медицины является обращение особого внимания на раннюю диагностику заболеваний и снижение их осложнений. В этом плане выполнены широкоплановые программные мероприятия. Согласно Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годы для дальнейшего улучшения оказания медицинской помощи населению поставлены важные задачи, направленные на «укрепление здоровья семьи, защиту матери и ребенка, оказание высококвалифицированной технологической меди-

¹ World Health Statistics 2017: Monitoring Health for the SDGs, Sustainable Development Goals.

² Lopez L.M., Bernholc A., Hubacher D., Stuart G., Van Vliet H.A. Immediate Postpartum Insertion of Intrauterine Device for Contraception // Cochrane Database Syst Rev. – 2015. – No 6. – P. 30–36.

цинской помощи матери и ребенку, внедрение комплексных мер по снижению младенческой и детской смертности»³.

Данная диссертационная работа в определенной степени способствует реализации задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики № ПП-2650 от 2 ноября 2016 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны материнства и детства в Узбекистане на 2016–2020 годы», ПП-3017 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Диссертационная работа выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в республике – VI.«Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Одним из наиболее востребованных методов контрацепции, используемых для предохранения от нежелательной беременности, являются внутриматочные контрацептивные средства (ВМС) (Прилепская В.Н., 2009). Выявлено, что гиперполименорея, менометрорагия возникают у 11–24% женщин, использующих ВМС (Хамдамова М.Т., 2015; Abu Hashum H., 2013). Еще одним широко распространенным методом предупреждения нежелательной беременности является метод гормональной контрацепции. Согласно данным ВОЗ, более 100 млн. женщин фертильного возраста используют средства гормональной контрацепции (ВОЗ, 2015). Комбинированные оральные контрацептивы (КОК) кроме преимуществ оказывают и побочные действия: тошнота, головная боль, отеки в тканях. В основном это связано с имеющимся в их составе эстрогеном (ВОЗ, 2015). Также было выявлено, что синтетические эстрогены влияют на увеличение синтеза тиреотропного гормона (ТТГ) в гипофизе и воздействуют на щитовидную железу, а также увеличивают синтез дополнительного количества свободного тироксина (Т4).

